

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШДА НЕМИСНИНГ РОЛИ

Убайдуллаева Василя Садуллаевна
Магистр, Жиззах Самбхрам университети

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда НЕМИСнинг умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимида рақамлаштириш ва рақамли дунёда ўрганишнинг аҳамияти, ҳозирги кунда олиб борилаётган ишлар ва имкониятлар таҳлил қилинган. Калит сўзлар: Масофавий таълим, рақамли технология, рақамлаштириш, НЕМИС дастури.

Ҳозирги пайтда техника ва технологиялар кун сайин шиддат билан янгиланиб бораётган даврда жамиятни дунёқараши ва замонга мослашувини тубдан ўзгартириши табиий ҳолат бўлиб бормоқда. Бу ҳолатда таълим олиш ҳолатларини янгиланишига сабаб бўлади. Бугунги кунда олий таълим муассасарида масофавий таълимларнинг йўлга қўйилиши бунга бир мисол сифатида кўришимиз мумкин. Пандемия даври кўп йиллик шаклланган кадрлар, анъаналар ва тамойилларнинг “дарз” кетишига ҳам олиб келди. Хусусан, нуфузли олимлар, халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан яқин ва ўрта истиқболда курраи замин тараққиётига таҳдид соладиган хавф-хатарлар бўйича берилган прогноз кўрсаткичлари ўз тасдиғини топмади. Аксинча, улар қайтадан кўриб чиқиладиганлигини кўришимиз мумкин. Аммо шу нарса аён: дунё бир бутунликда ҳаракат қилмас экан, инсон ўрта таҳликали вазият қурбонига айланиши ҳеч гап эмас. Ягона нажот эса тўпланган билим, шаклланган кўникма ва орттирилган хулосаларни ягона мақсад сари йуналтириш, илм ҳамда тажрибаларни самарали уйғунлаштириш олишдир. Бу эса рақамли дунёда ўқитиш ва ўрганиш борасида кўплаб педагогик тадқиқотлар ўтказиш заруратини ифодалайди.

Мамлакатимизда сонгги йилларда талим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва таълим сифатини баҳолаш ҳамда рақамли талимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019- йил 29-апрелдаги “Ўзбекистон республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармонида “PISA”(The Programme for International Student Assessment) ўқувчиларни баҳолаш халқаро дастури рейтингда Ўзбекистоннинг 2021 йилда биринчи 70 таликка, 2025 йилда 60



талиққа ва 2030 йилга келиб эса, биринчи 30 та илғор мамлакатлар қаторига киритиш кўзда тутилган[1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспексияси қошида “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий маркази” ташкил этилди [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октабедаги ПФ 6079 сонли “Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги фармонида рақамли дунёда рақамлаштириш, рақамли технологияларни ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиёт соҳасида янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва рақамли таълимни ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда. Ушбу фармонда таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

таълим поғонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформатсия шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

ягона масофавий таълим платформасини келажакда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш мақсадида яратиш ва амалга ошириш; ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишнинг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгартиришлар киритиш;

технологик касблар ва инновацион фаолият соҳасида ўқишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимида жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ошириш;

робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини



ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш;

рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш;

ғоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини (конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш;

янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан аудио ва видео материалларни излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш, машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш;

робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсирининг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларни такомиллаштириш, шунингдек, “булутли” хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш;

мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

технологиялар бўйича инновацион ўқув дастурларини жорий этиш [3].

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мухтасар айтганда, кредит модул тизими талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Кредит-модул тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модул технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модул тамойилида иккита асосий



масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Модул — бу бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир нечта фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади ҳамда берилган топшириқларни бажаради.

Мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупсияга барҳам бериш, та'лим олувчининг ҳақиқий билимини юзага чиқариш ҳамда талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлашига замин яратади. Бугунги кунда Европа кредит тизими кўхна қитъанинг деярли барча олий ўқув юртида амалиётга жорий этилган.

Кредит-модул тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса юналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модул тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Олий таълим тизимида рақамли университет лойиҳаси давом этмоқда. Ҳозирги кунда таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинadиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида Рақамли университет лойиҳаси доирасида “Олий та'лим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS - Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилди. Ушбу ахборот тизими «Маъмурий бошқарув», «Ўқув жараёни», «Илмий фаолият» ва «Молиявий бошқарув ва статистика» ахборот тизимларини ўз ичига олади.



Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимини жорий этишдан мақсад:

- ОТМ фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- олий таълим тизимида ўқув, илмий, маъмурий ва молиявий жараёнларни автоматлаштириш;
- олий таълим тизимида бюрократик тўсиқлар юзага келишини олдини олиш ва молиявий харажатларни қисқартириш;
- ОТМ, талаба, ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида узвийликни таъминлаш;
- бошқарув жараёнлари учун сарф қилинадиган вақтни қисқартириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш;
- таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш;
- таҳлилий маълумотларни шакллантириш ва қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш ва тезлаштириш. Олий таълим муассасаларида рақамлаштириш ва рақамли технологиялар воситаси ёрдамида таълимни ташкил этиш талабаларнинг дарс машғулотларга фаол қатнашиши, мавзуларни тўлиқ ўзлаштириши, келажакдаги касбига меҳрининг ошиши ва турли компетенцияларини ривожланига сабаб бўлади [4].

Бугунги кунда рақамли таълим таълим тизимларимизда НЕМISнинг ўрни бекиёс бўлиб, бунда ўқувчилар ва талабаларимизнинг фанни ўзлаштира олиши эмас, балки улар бир вақтнинг ўзида қандай ўқиётганини, фанни қандай ўрганаётганини, вазифаларга қизиқиши, ўз даражасидаги муаммоларга фикр билдиришларини кузатиш мумкин. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ўрганиши, шахсий ўрганишга мослашиши ва ўзини устида ишлаши каби қобилиятлари ривожланади. Дарс жараёнлари рақамли контекстда жонли олиб бориш ва дарсларда интерфаол топшириқларни бериш, виртуал лабораторияларда ўрганиш талабаларни янада фикрлашларини ўстиради. Ўзи кизиққан соҳадаги касбий компетенциялари ривожланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-сентябрдаги ПФ-5538-сонли “Халқ таълиминини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро



тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари то ўғрисида”ги 997-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октабедаги ПФ 6079 сонли “Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

4. Akramzhon U. Mirzaev. Developing Professional Competence Skills of StudentsEngineers at Teaching Higher Mathematics. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe 3-2018. P 136-139

